

---

## Фурқатлик ёшлар Самарқандда ўтказилаётган байдарка ва каноэ бўйича Осиё чемпионатида совриндорлар сафида

Самарқанд туманидаги сайёҳлик маркази ҳудудида жойлашган эшкак эшиш каналида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш, шунингдек, параканое бўйича Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилмоқда

Эътиборли томони шундаки, ушбу мусобақаларда совриндорлар қаторида фурқатлик 4 нафар ёшлар ҳам бор.

Хусусан, катталар ўртасида 2 кишилик баҳсларда Камронжон Ахтамов 1000 метр ва 500 метр масофаларда биринчи бўлиб, 2 та олтин медални қўлга киритди.

18 ёшли Хумоюнмирзо Мақсудов яққалик 1000 метр масофадаги баҳсларда 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.

4 кишилик 500 метр масофадаги баҳсларда Асилбек Тўхтаназаров 2-ўринни эгаллаб, кумуш медални, ҳудди шу масофадаги баҳсларда Гуландон Иброҳимова 1-ўринни эгаллаб, олтин медал соҳибларига айландилар.

Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2023-04-29 11:07:29